

Жалқ сўзи

Ўзбекистон —
келажги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 10 август № 164 (3439) Сешанба

«ИСЛОМ КАРИМОВ. АСАРЛАР ТЎПЛАМИ» МУЛЬТИМЕДИЯ ДИСКИ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги кўмагида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг XI томлик асарлар тўпламининг мультимедия варианты яратди.



Қиётнинг қандай устуворликлари мавжуд? Дунё мамлакатларига кенг ва ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик учун қандай шарт-шароитлари тақлиф эта оламиз?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарларида айнан шу масалалар чуқур таҳлил этилган ва уларни амалий ҳал қилиш йўллари кўрсатиб берилган.

Ислам Каримов асарлари тўпламининг мультимедия вариантыда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис сессиялари, Вазирлар Маҳкамаси мажлислари, халқаро анжуманлар ва уchrашулардаги маъруза ва нутқлари ҳам ўрин олган.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологияси даврига қадам қўйди. Мамлакатда глобал рақамли технологиялар, энг замонавий ахборот хизмати турлари, хусусан, юқори қувватли графикали, товушли ва визуал ахборот бериш воситаси бўлмиш мультимедия технологияси кенг қўлланилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг XI томлик асарлар тўплами мультимедия вариантынинг икки тилда — ўзбек ва рус тилларида яратилиши Ўзбекистон Президенти асарларидан унинг янги, юқори технология электрон тури орқали баҳраманд бўлиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари тўпламининг мультимедия варианты 8,5 минг саҳифадан ортиқ ҳажмидаги ахборот матни, мингга яқин сурат, жумладан, 10 соатли аудио ва видеоматериаллардан иборат бўлиб, 2 та CD-дискдан ташкил топган.

«Ислам Каримов. Асарлар тўплами» CD-дискнинг яратилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг интернет-сайтидаги ахборотлардан, Матбуот хизматининг архив суратлари, аудио ва видеоматериалларидан кенг фойдаланилган. Мазкур CD-дискда миллий мумтоз кўйларимиздан, шунингдек, жаҳон классик композиторлари асарларидан фойдаланилган.



Фидойи пахтакор

Марҳамат туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалиги бош пудратчиси Раҳимов Ибрагимовани нафақат жамоада, балки туманда ҳам кўпчилик билишади. Бонси — тажрибали пахтакор узоқ йиллардан бери бош пудратчи сифатида қатта тажриба тўплаган. Утган давр мобайнида пахтачиликда ҳам, галлаличиликда ҳам режадор

ортиги билан урдаланиб, ҳосилдорлик ошириб бораётти. Жорий йилда у киши бошлиқ жамоада 33 гектар майдонда 6700 парвариш қилинмоқда.

СУРАТДА: бош пудратчи Раҳимов Ибрагимовани Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

ҚАРШИ (ЎЗА МУХБИРИ ФАХРИДДИН БОЗОРОВ. Қашқадарё вилояти хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-сўйлос конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Президентимизнинг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижроси, аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини, ижтимоий фаоллигини ошириш

билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Вилоят иқтисодиётида банд аҳолининг 49,3 фоизини аёллар ташкил этади. «Аҳолини иш билан таъминлаш» вилоят дастурига мувофиқ, ўтган икки ярим йил ичида 58 минг нафар хотин-қиз учун янги иш ўринлари яратилди. Шу даврда тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга 1,8 миллиард сўм кредит ажратилди.

Аммо қишлоқ хотин-қизларини иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини, ҳуқуқий маданиятини янада

юксалтириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида хали талай ишлар амалга оширилиши зарур.

Анжуманда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова, Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитасининг пленуми бўлиди. Унда Инобат Каримова Қашқадарё вилояти хотин-қизлар кўмитаси раиси этиб сайланди.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон учун мураккаб, айни пайтда яратувчанлик руҳида кечмоқда. Мустақил ривожланишини ўтган йиллари кенг кўламли демократик ва бозор иқтисодларининг изчил амалга оширилиши, жамиятнинг янгилаши йўлида давом этиши, халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ривож топиши ва жаҳон ҳамжамиятида республикамиз обрўсининг мустаҳкамлаши даври бўлди. Энг асосийси, мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва ҳамжихатлик қарор топди. Шу билан бирга, халқимизнинг бугунги кунга ва келажакка бўлган ишончи янада мустаҳкамланди, бу истиқлол йилларидаги энг қатта ютуқларимиздир.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига кенг интеграциялашу сифатини изчил олиб бормоқда ҳамда иқтисодиёт, илм-фан, таълим ва ахборот алмашуни шу соҳаларида жаҳон халқлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Жаҳонда Ўзбекистоннинг сиёсий барқарор, муттасил ривожланаётган давлат сифатидаги мавқеи ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг XI томлик асарлар тўпламида мустақил давлатнинг қарор топиши ва ривожланиш босқичлари

ўзининг ақол ифодасини топган. Унда Ўзбекистон ижтимоий ривожланишининг сифат жиҳатдан янги босқичда демократик ўзгаришларнинг чуқурлашуви ва фуқаролик жамияти асослари шаклланишининг стратегик вазирилари аниқ белгилаб берилган.

XXI аср Ўзбекистон аҳолиси учун қандай кечади, унинг турмуши қай даражада яхшиланади ва фаровонлашади? Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида бизни қандай муаммолар, қийинчиликлар ва синовлар кутаётгани ҳақида етарлича ва аниқ тасаввурга эгамизми?

Ўзбекистон инсонлар учун муносиб турмуш тарзини таъминлашга қаратилган мақсад ва вазирилари қай даражада рўйбга чиқаради? Тинчлик ва хавфсизликнинг таъминлаш учун қандай қадамлар қилинмоқда?

Ушбу хавф-хатарга қай тарзда қаршилиш кўрсатишимиз мумкин, жамиятимизнинг барқарор ривожланиши, минтақада геосиёсий мувозанатни сақлаб қолиш ва глобал хавфсизликни таъминлаш учун қандай қадамлар қилинмоқда?

Ўзбекистон XXI асрда янада барқарор ривожланиши учун қандай салоҳият ва имкониятларга эга? Иқтисодий сиёсат, янгилаши ва тарақ-

ЕР ТАБАРРУК НЕЪМАТДИР

ердан мақсадли фойдаланишда айрим мансabdорлар томонидан йўл қўйилаётган суиистеъмолликлар хусусида

Ҳа, ер, замин, тупроқ — азалдан халқимиз учун табаррук неъмат ҳисобланади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ер асосий бойлигимиздир. У бизни едиради, ичтиради, фаровон турмуш кечиртишини учун моддий негиз яратди. Ана шу нуқтаи назардан ҳам мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичларидан ерга муносабатни ўзгартириш асосий йўналиш этиб белгиланди.

Мустақиллик йилларида қабул қилинган бир қатор қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорларида қишлоқ хўжалигида муносабатларни қандай ташкил этиш, ерга қандай муносабатда бўлиш кераклиги аниқ кўрсатиб берилган. Конституциямизда ер умумийлик бой-лиқ сифатида давлат муҳофазасида экани, ердан оқилона фойдаланиш зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Бу соҳадаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш, қонунлар ижроси устидадан назоратни қўлайлаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши айни мўда-дао бўлди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш борасида прокуратура органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжали-гида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонунлар ижроси устидадан назоратни самарадорлиги бирмунча яхшиланди, де-яшга асос бор.

Прокурор назоратини ташкил этишда асосий этибор мунтазам мониторинглар ўтказиш йўли билан пахта ва галла экиладиган ер майдонларидан мақсадли фойдаланишни қатъий

таъминлаш, суғориладиган ер майдонларини муоамаладан чиқарилишига ҳамда унумдорлигининг пасайишига йўл қўймаслик, ер ажратишдаги суиистеъмолчиликнинг олдини олиш, мелiorация ишчюотлари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва ёниги-мойлаш маҳсулотларидан хўжасизларга фойдаланиш, уларни талон-торож қилиш ҳолатларида чек қўйиш, қишлоқ хўжалигида асосий ҳук сифатида майдонга чиқабтган фермерлик ҳаракати йўлидаги гов-тўсиқларни бартараф этиш масалаларига қаратилди.

Ўтказилган текшириш ва мониторинглар натижасида 24 минг гектардан ошмиққ экин майдонларидан мақсадли фойдаланиб келинган, шундан 5,4 минг гектар ер майдонлари хисоб-дан аширилган, 591 гектар ер ўзбoшимчилик билан эгаллаб олинган ҳолатлари аниқланди. Натижада 735 та жиноят ишлари қўзғатилди, прокурорларнинг тақдимномалари ва қарор-лари асосида 16 мингдан

зиёд шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, 1,4 млрд. сўмлик зарарлар айдолдорлардан ихтиёрий ундирилди, 8,6 млрд. сўмлик зарарларни ундириш бўйича судларга қиртилган даъво арizаларининг 6,3 млрд. сўмлик қаноатлантирилди. Хизмат вазирасига қўра, туман ҳокимлари жойларда қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга маъсул шахслар ҳисобланади. Аммо айрим туманларда ерларнинг талон-торож қилинишига қўпичча ҳокимлар сабабчи бўляпти. Улар одамлар кўз ўнгидан қонунларнинг бузиллишига, ошпа-огайнингаччиликка, таниш-билишчиликка йўл қўйишмоқда. Текширишларда мамлакат бўйича 125 нафар мансabdор шахс, жумладан, 44 нафар ҳоким ва уларнинг ўринбосарлари шундай номмақул иш билан шугуллангани маълум бўлди.

Тошкент вилояти, Пскент тумани ҳокими А.Фофуров

хўжалигини тузиб, шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб келган.

Туман раҳбарларининг бу каби ҳаракатлари бошқа мансabdорларга ҳам «йириқ» бўлган. Жумладан, «Ўзбекистон мустақиллиги» ширкат хўжалиги раиси П.Холжигитов статистика идорасига тақдим этилган ҳисоботларда 30 гектар ер майдонига қўрғатмасдан, ушбу майдонга экилиши лозим бўлган 1,5 млн. сўмлик 7,1 тонна уруғлик бугдойни ўзлаштирган бўлса, «Пскент» ширкат хўжалиги раиси И.Мираҳмедов 44 гектар экин майдонини туманда яшамайдиган ва хўжалик азбоси бўлмаган фуқаро С.Ирсенга пивё экиш учун ноқонуний ажратиб берган.

Бу иштахдаси ҳақалак отган туман ҳокими бошидаги жинорий гуруҳ аъзолари айбланиб, ҳозирда жиноят иши судга юборилган. Бундай мисолларни бошқа вилоятлар ва туманлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Хоразм вилояти, Урганч тумани ҳокими Р.Зоирхонов 1996-2003 йиллар давомида ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари ва туман ҳокими лавозимларида ишлаб келиб, ўз қариндошлари ва яқинларига 178,7 гектар ер майдонини ажратиб берган. «Пахтакор» ширкат хўжалигида тегишли бўлган 672 бош чорва моллари, 6 та трактор, 1 тадан комбайн ва юк автомашинасини арзон-гаровга сотиб юбориб,

хўжалик манфаатларига 45 млн. сўм зарар етказган. Шунингдек, туман ҳокими бўлиб ишлаган даврида Р.Зоирхонов ер бериш тартибининг бузиллиши, галла майдонларининг ҳисоботдан аширилиши, пахта урнига шили ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилиши ҳамда кўп миқдорда жомоат мулкларини талон-торож қилинишига йўл қўйиб, давлат ва жомоат манфаатларига 100,8 млн. сўмлик зарар етказган. Бу жинорий хатти-ҳаракатлари учун Зоирхонов ҳозирда одил суд олдида жавоб бермоқда.

Фаргона вилояти, Бағдод тумани ҳокими Ш.Солиқонов жиний М.Маҳаматов номинга 112,9 гектар ер майдонини номиндаги фермер хўжалигини ташкил қилган ва иш ҳақи, уруғлик бугдой, зовурларни тозалаш, ёниги-мойлаш маҳсулотлари ҳамда минерал ўғитлар билан таъминлашни тумандаги М.Содиқов номли ширкат хўжалиги ҳисобидан амалга ошириб, хўжаликка 21,6 млн. сўм, Оқунбобоев номли ширкат хўжалиги ҳисобидан бўлган «Волга ГАЗ-3102» русумли автомашинадан 1,3 млн. сўм, «Хамзаобод» давлат қорамол наслиқлик заводи-га яроқсиз аҳолидаги дивель электр станциясини ўтказдириб олиб, 4,4 млн.

Жиноят иши терговчи Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирилари ходимлари-дан иборат тезкор-тергов гуруҳи томонидан олиб борилмоқда.

Бош прокурорнинг маъ-

лум қилишича, шу кунгача ушбу жиноят иши юзасидан 1 минг 500 нафарга яқин гувоҳ сўроқ қилинган. Тер-акт тафсилотлари ва тўпланган тергов материаллари синчковлик билан ўрганилмоқда.

Жиноят иши юзасидан ҳодиса жойидан олинган портлатиш қурilmаларининг таркибий қисмлари ва бошқа ашёвий далиллар бўйича суд-тиббийот, суд-криминалистика, баллистика, портлаш-техника ва бошқа экспертизалар тайинланган.

Экспертларнинг дастлабки хулосаларига қўра, учала ҳолатда ҳам террорчилар томонидан бир турдаги қўлбола портловчи қурilmalar ёрдамида портлаш содир этилган.

Фойдаланилган портлатиш қурilmаларининг қуввати 1-1,5 кг тротил эквивалентига тенг. Портлаш вақтида улар террорчиларнинг ёнидаги тахминан 25x35 сантиметр тахминан қора рангли сумкада бўлган. Ҳозир терговнинг асосий вазириларида бири терорчиларнинг шахсини аниқлашди. Шу мақсадда терговга Адлия вазирлигининг Илмий-тадқиқот криминалистика маркази, Соғлиқни сақлаш вазирилари Суд-тиббийот экспертизалари бош бюроси, Ички ишлар вазириларининг Эксперт-криминалистика бўлими ва Портлаш-техника илмий-эксперт марказий лабораторияси мутахассислари жалб этилган.

Бугунги кунда тергов икки террорчининг шахси ҳақидаги етарли маълумотларга эга. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам хоржий давлатлар фуқаролари экани аниқланган. Бироқ, тергов манфаатини қўлаб уларнинг шахси ҳақидаги маълумотлар ошкор этилмайди.

Портлашдан сўнг ичинчи террорчининг танақсидан қолган бўлақлар бўйича экспертиза текшируви, жумладан, ДНК бўйича текширув давом этмоқда.

Дастлабки терговда ило-да содир этилган портлашлар шу йил март-апрель ой-ларида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бўхоро вилоят-ларида амалга оширилган портлашлар билан бевоси-та алоқадорлиги, ушбу тер-рорчилик ҳаракатлари рес-публикамиз ташқарисида жойлашган ягона марказ то-монидан бошқариб, муво-фиклаштириб турилган жин-орий уюшманинг бир халқ-аси эканлиги ҳақида етарли маълумотлар тўпланди.

Терговнинг инкор қилиб бўлмайдиган маълумотлари-га қўра, уларнинг ортида халқаро радикал-экстремис-тик уюшмалар, жумладан, «Жиз-ут-тахирин» диний-эк-стремистик оқими турибди. Шу йилининг баҳорида ва 30 июль кунини содир этилган портлашларга алоқадор барча террорчилар айнан шу ташкилотнинг азбоси бўлганлигини жиноят иши ҳужжатлари ва жиноятчиликнинг судда берган қўрғамалари тасдиқламоқда.

Ушбу террорчиларни содир этган жинорий уюш-манинг барча ташкилотчи-лари, далолатчилари ва бошқа иштирокчиларини аниқлаш ҳамда жинорий жа-вобгарликка тортиш бораси-да зарур тезкор-тергов чо-ралари қўрилмоқда.

Брифингда Ўзбекистон Биринчи ўринбосари В.Но-ров қатнаши.

Бождо НОРОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

Тағбиркорнинг муҳфаси

Хусусий тағбиркор Муроджон Тожибоев Улунор туманидаги «Дустлик» ширкат хўжалигига қаршилишга ўз шахсий мавлоидан 36 миллион сўм сарфлади.

240 ўринга мўлжалланган ушбу мактаб 1 сентябрь кунини болажонларга ўз эшиқларини очди. Йилгари ҳойдорбоқда қўвчиликлар етти километр узоқликда жойлашган кўнун қишлоқ-даги мактабга қатнордилор.

Ўз мухбиримиз.

(Давоми 2-бетда).

ЯНА БИР ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Шахмат




ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Лазиз РАҲМАТОВ).

Германиянинг Малент шахрида шахмат бўйича заиф эшитувчилар ва соқовлар ўртасида ўтказилган 1-жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Сирожиддин Зайниддинов чемпионлик унвонини қўлга киритди.

25 июль — 4 август кунлари ўтган ушбу чемпионатда дунёнинг 28 мамлакатидан келган иқтидорли ўсмирлар дона сурди. Пойтахтимиздаги 106-

заиф эшитувчилар мактаб-интернати олтинчи синф ўқувчиси, ўн тўрт ёшли жаззахлик Сирожиддин чемпионат голиби бўлди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда шахмат спорт тури сифатида кенг омаллашиб бораётганини ва келгусида бу борада қўллаб-та-



ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Археология фани халқимиз яратган қадим цивилизация тарихини, маданиятимизнинг ривожланиш йўллари, босқичлари ва қонуниятларини очиб бермоқда.

Юртимиздаги "tana" деб аталадиган сақиз мингдан ортиқроқ ёдгорлик, юз мингга яқин қоятош суратлари, канал ва тўғонлар, карвонсарой ва сардобалар, қончилик ва металл ўзвонлари қолдиқлари мақдур фан объектлари сифатида синчиклаб ўрганилаётган. Бу борада археолог олимларимизнинг етакчи хорижий мамлакатлар мутахассислари билан ҳамкорлиги яхши самара бераёпти.

Ана шундай илмий алоқалар самараси ўлароқ, Ўзбекистон-Россия-АҚШ қўшма экспедицияси аъзолари томонидан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги Оби раҳмат форида олиб борилган қазилмалар фанда яна бир муҳим янгилик очди.

никли иқтидор эгалари етишиб чиқишини таъкидлашди.

Сирожиддин олти ёшдан буён шахмат мусобақаларида мунтазам катнашиб келади, — дейди ёш чемпионнинг отаси ва мураббийи Саврон Зайниддинов ЎзА мухбирига. — Уткир зехни, кучли хотираси ва ноёб қобилияти билан ажралиб турарди. Унинг энди энг катта орзуси — гротсмейстер бўлиш.

СУРАТДА: Голиб Сирожиддин Зайниддинов.

Мухаммад АМИН олган сурат.

Араб давлатлари Лигаси Норози

БМТ Суданининг Дарфур музофотида юзга келган этник можароларни оғир ижтимоий фожиа сифатида баҳоламоқда. Араб давлатлари Лигаси ГАРБ мамлакатлари томонидан Суданига нисбатан қўлланилган санкцияга нисбатан ўз эътирозларини билдирди. Араб давлатлари ташқи ишлар вазирларининг Қоҳирада бўлиб ўтган йиғилишидан сўнг бу ҳақда маълум қилинди.

Келишув бузилмоқда



Исроил ҳукумати Иордан дарёсининг гарбий қирғоғидаги Арзель аҳоли пунктида янги 200 та турар-қой бинолари қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Исроилнинг бу ҳаракатини Фаластин вазирлиги Сабх Эрекат "Йўл харитаси" режасидаги келишувнинг қўпол тарзда бузилиши, дея баҳолади. Бундан ярим йил олдин мазкур лойиҳа Исроил мудофаа вазирлиги Шалва Мофаз томонидан маъқуланган.

Айни пайтда АҚШ ҳам ушбу масалани муҳокама қилди ва Исроилни гарбий қирғоқда олиб борилаётган қуриш ишларини тўхтатишга чакирди. "Йўл харитаси" режасига мувофиқ бу ҳудудда ҳар қандай аҳоли турар-қойлари қурилиши тўхтатилиши лозим.

Махсус амалиётлар чоғида

Ҳиндистон оммавий ахборот воситаларининг ҳабар тарқатишчи, Жамму ва Кашмир штатида террорчиларга қарши ўтказилган махсус амалиёт чоғида беш нафар махсус хизмат вакили ва беш нафар аскар қурбон бўлган. Манбада айтилишича, тинч аҳоли орасида ҳам қурбонлар бор.

Ишсизлар камайгани боис

Америка меҳнат бозорида прогноз қилинганга нисбатан аҳвол бироз ёмонлашди. Биргина июль ойида америкалик иш бевуқлар бор-йўғи 32 минг янги ишчи ишга жалб қилган. Бу тахмин қилинганга бир неча баробар камдир. Ушбу ҳолат ўз навбатида жаҳон бозорига ҳам таъсирини ўтказмай қолмади. Қўллаб ақсилларнинг баҳоси арзоналашди. Айни пайтда доллар курси ҳам евро ва фунт-стерлингга нисбатан пасайди.

АҚШ молия вазирлиги Жон Сноу бундай ҳолатдан хайратланмаслик лозимлигини, мамлакатда ишсизлар сони кескин камайганини журналистларга маълум қилди.

Сайловлар адолатли ўтиши учун

АҚШда президент сайлови 2 ноябрь кунига тайинланганига қарамай, мамлакат ҳукумати ва конгресс ушбу сиёсий таъбирда турли хил ноҳолликларнинг олдини олишга ҳозирдан ҳаракат қилаётган. Конгресснинг 12 аъзоси (улар асосан, демократлар) Давлат котиби Колин Пауэл ҳамда БМТ Бош қотиби Кофи Аннани ҳам йўллаб, АҚШда бўлиб ўтадиган президент сайловида 2000 йилдаги сингари ҳолатларнинг олдини олиш ва сиёсий таъбирнинг "эркин, адолатли ва аниқ-тиник" бўлиб ўтишини кафолатлаш мақсадида хорижий давлатлардан кузатувчилар қатнашишини сўраб, муражат қилишди.

Шу муносабат билан АҚШ Давлат департаменти Демократлар партиясига мактуб йўллади. Партия вакили Эдди Жонсон департаментнинг хатида мамлакат ҳукумати "Европа Хавфсизлиги ва Ҳамкорлик ташкилотидан 2 ноябрда бўлиб ўтадиган президент сайловида

кузатувчи сифатида қатнашишини илтимос қилгани" ҳақида баён этилганлигини таъкидлади. Сайловда ЕХТ-нинг демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бoshқармаси вакиллари қатнашишди.

— АҚШ бизни тақлиф қилди, — деди ЕХТ матбуот котиби. — Бу қонун талаби эмас. Лекин ушбу тақлиф Америка ҳукумати ва сиёсий маҳоратли вакиллари билан бўлади. Шундай қилиб, АҚШда президент сайловида илк бор ЕХТ вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этади.

Чалабий нимадан Норози?

Ироқ судьяси Зухайр Маликий танкик сиёсатчи Аҳмад Чалабийни ҳибсга олиш бўйича ордерни имзолади. Садам Хусайн режимида ашаддий душмани бўлган Чалабий хорижий, хусусан, қўшни давлатлардан бири билан ҳуфиёна алоқа қилганида ҳам гумон қилинаёпти.

Аҳмад Чалабийнинг ўзи эса судьянинг бу қароридан умуман норозилигини билдирди ва унга нисбатан қўйилаётган айбларнинг асосизлигини қайд этди.

— Мен кўп йиллар давомида Садамга қарши курашдим ва тирик қолдим. — деди у Си-эн-эн телекомпаниясига берган интервьюсида.

Дарҳақиқат, Аҳмад Чалабий яқин пайтда Ироқнинг етакчиси бўлишга номзод эди. Аммо АҚШ Мудофаа вазирлигининг Ироқдаги уруш бўйича сўнги пайтларда олиб борган тадқиқотлари натижаларидан кейин Чалабий ва Вашингтон ўртасидаги муносабатлар совий бошлади. Америкаликлар Аҳмад Чалабийнинг қўшни давлатлардан биридаги консерватив доиралар билан алоқадорлиги маълум бўлди. Шу билан бирга, у АҚШ бошчилигидаги коалицион кучларга Ироққа киришдан олдин мамлакатда олиб борилаётган ҳарбий дастурлар тўғрисида нотўғри маълумот берган, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Шу йилнинг май ойида коалицион кучлар ҳарбийлари ва Ироқ полицияси ходимлари Чалабийнинг уйда ҳамда у етакчилик қилаётган мамлакат Миллий конгрессида тинтув ўтказишди. Шундан сўнг америкалик расмий вакиллар Ироқ Миллий конгрессига ҳар ойда 300 минг доллар миқдорда берилаётган ёрдам тўхталишини билдиришди.

Ироқ судьяси Зухайр Маликий маҳаллий радиого берган интервьюсида ўша тинтув пайтида Чалабийнинг уйдан сохта динорлар топилигани маълум қилди. Бу сохта пуллар ҳақиқийлари билан аралаштирилиб, янги пулларга алмаштирилган экан.

Шунингдек, Ироқ судьяси Аҳмад Чалабийнинг жияни Салем Чалабийни ҳам ҳибсга олиш бўйича ҳужжатни имзолаган. Салем Чалабий айни пайтда Садам Хусайн иши бўйича трибуналга раҳбарлик қилмоқда. Салем Чалабий мамлакат молия вазирлиги раҳбарларидан бири — Хайтем Фодхилнинг ўлимини ташкиллаштиришда айбланмоқда.

Агар унинг бу айби исботланса, мамлакат суди унга нисбатан ўлим жазосини қўллаши мумкин. Ўтган яқинда кун Ироқда қатор жиноятлар, шу жумладан, қотиллик учун ўлим жазоси тикланди.

Салим ДОНИРОВА.

Хавфли террорчи қамоқда

Бирлашган Араб Амириликларида "Ал-Қоъда" ташкилати билан алоқадорликда гумон қилиниб, покистонлик фуқаро қамоққа олинди. У Покистон ҳукуматига топширилди.

Тахмин қилинишича, Қари Сайфулла Ахтар узоқ вақт ташкилотнинг Покистондаги бўлимини бошқариб келган. Ахтарнинг ҳибсга олиш тафсилотлари ҳақида батафсил маълумот йўқ. Аммо Покистон ҳукумати мамлакатдаги энг хавфли террорчи қўлга тушганлиги ҳақидаги хабарни тасдиқлади.

Президентимиз томонидан «Ўз уйингни ўзинг асра!» шioriнинг «Ўз уйинг, ўз юртингни ўзинг асра!» дея ривожлантирилиши ҳам бизни бир универсал тамойил билан қуроллантирди. Бунинг ҳикмати — Ўзбекининг ўз оиласига жонсарақ муносабатини ватандошлари, миллати даражасига ўстириши, ўз уйига муносабатини унинг ҳовлиси деворларидан — муस्ताқил давлати, Ватани қўлими даражасига кенгайтириши керак. Ана шунда ўзбек девор ошиб ҳовлисига тушган ёт-бегонага қандай муносабатда бўлса, Ўзбекистон чегара-

Ноқонуний ўзлаштирилганликда айбланмоқда

Ўтган яқинда кун Аджария телевидениесининг собиқ директори ҳамда мухториятининг собиқ раҳбари Аслан Абашидзенинг матбуот котиби Тамас Бақуридзе қамоққа олинди. Грузия Ички ишлар вазирлигининг "Интерфакс" ах-

борот агентлигига маълум қилинишича, Бақуридзе бундан икки йил олдин очилган жиний иш юзасидаги ҳибсга олинган. У давлат томонидан телекомпания харажатлари учун ажратилган маблағларни ноқонуний ўзлаштирилганликда айбланмоқда.

НЕГА МУҶАЛЛАС?

мураккаб сўроқлари

сидан ўтган «мақрилламаган меҳмонларга ҳам шундай муносабатда бўлади» — омубрдек кучли қўллари билан уни тугиб, териб, керакли жойга топширади.

Биров уйига бесўроқ кирганида кўзгалдиған ўзбек орияти энди унга «Отанинг суратини олиб ташла, меканини ос», «Миллий давлатингни қўй, халифаликда яша», «Қизларинг қолчора чимматга ўралсин» ёки аксинча, «Очилиб-сочилиб юрсин» дегувчи кимсаларнинг тилларига наштар санчади. Чунки у ўз уйини, ор-номусини ҳимоялашда муस्ताқил иш тутади. Менга нима деб, қараб ўтирмайди. Шундай экан, бир-биримизга ойна бўлишимиз, ватандошимизга «Сен фалончининг ўғлисан», дейиш билан бирга, «Ўзбекилигингни унутма!» деб, хато қилишдан тўхта олишимиз лозим!

Муस्ताқиллик, бу — демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятининг дарвозаси бўлса, барчамиз ҳам бу дарвозадан ўтдикми?

Аслида, адолат тарозусининг бир палласида — муस्ताқиллик ҳуқуқи, бир палласида — муस्ताқиллик бурчи туради. Агар кимнингдир ўй ва ишида ана шу тенглик бузилса, адолат, инсоф меъёри бузилади. Демак, ҳар биримиз муस्ताқиллик берган ҳуқуқ ва унинг олдидаги бурчимиздан фойдаланиб, Ватан, миллат ҳимоясининг олдинги сафига ўтишга уринишимиз лозим.

Муस्ताқилликни ҳимоялаш — шахсининг ҳуқуқи ва айни пайтда жамият, давлат олдидаги бурчи, десак, мукамал бир ҳолат намоеён бўлади. Демак, Ватан, Давлат, Муस्ताқиллик ҳимояси масаласида ҳуқуқ ва бурч бирлашиб кетади. Зеро, «Ватанин севмак — иймондандир». Иймон эса — муқаддас. Шу тўғрисида ҳам муस्ताқилликнинг иймоний масаласидир, дейишга тўла ҳақлимиз.

Диний экстремизм ва унинг террорчи тўдалари тилда Оллоҳни, унинг Расулини гўё тан оладилар. Лекин ларини ҳимоя қилиб, қундалик ҳаётини, маъқуравий курашда фозил ишлатсақ, аждодлар биздан рази бўлади. Шундай эмасми?!

Шу ўринда ўзбекларга қандай яшашни четдан тикиштирилганларга бизнинг ҳам саволларимиз бор. Ҳўш, «Ҳизб ут-таҳрир» деган радикал сиёсий ҳаракат халифалик, деган ҳам хабл билан юрган экан, халифалик эса бир вақтлар Арабистон ярим оролида пайдо бўлган экан, нега уни яна ўша жойда, ватанида тиклашмаяпти? Нега улар ўз ватанларида рад этилган халифалик гоёсини ўзбеклар-

монларга керак бўлса, нега унинг бошланаси Арабистонда эмас, Лондонда? Нега қочқин «Ҳизб ут-таҳрир» ўз индони демократиянинг оташин тарафдори Лондонда курган? Еки инглизлардан халифаликнинг пировард мақсади — ер юзюда битта — ислом давлати қуриш эканлиги, улар ҳам ўз динларини, маданиятларидан воз кечиб, ҳизбчилар айтадиган ашшага маҳкум бўлишлари яшириллаётганми?

Аслида, гап бошқа ёқда. «Демократия, демократия» дея айоханнос соладиган айрим халқаро ҳуқуқ «ҳимоячилари» унинг маъносини талқин

қилишда, бизга қолганда, хато қилишди. Нимадандир улар «демократия, бу — ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш эркинлиги» эканлигини бизни билмайдилар, деб хомтама бўлишяпти. Бизнинг бу эркинлик билан муस्ताқил фойдаланишимиз бизнинг ҳақ эканлиги. Сабаб эса битта — кимлардир бизнинг борлигимиз ва муस्ताқиллигимиз ҳалақат бераёпти.

Демократия дея бизга фарбча яшаш низомини тикиштирилганлар халқимизни, айниқса, ёшларимизни ўзбекларга эмас, ўзларига ўқатишга уринмоқдалар. Улар фарбча тарбияланган, фарбийлик касалига йўлланган ўзбек портретини шундай тасаввур қиладилар:

«Бундай киши, ўзбек миллатининг ўтмиши, ҳозирги ҳаёти, келажаги ҳақида оддий тушуналган ҳам эга эмас. У кўпинча «интеллигент». У тўлқин устидаги тасадф бекорор одам, овгани қўйиб таянмаган ери йўқ. Шу сабабли шамол қаёққа эсса, у ҳам шундай ўзағиб туради. Унда муस्ताқил фикр девяри йўқ. Дунёда ўз шахсий манфаатидан ташқари барча нарсасига бефарқ қаради. У маҷитда ҳам, кинотеатрда ҳам, партия йиғилишларида ҳам худди футбол ўйинининг томошабини, кузатувчисига ўхшайди. Унинг чуқур ўйга толганини ҳеч қачон кўрмайсиз. Яқин дўстининг вафоти ҳам қатра кўз ёшига сабаб бўлолмайди. У ҳар қандай қичқилган қўлдан бермайди, жирканмай унга ўзини отади... У ўзига хоҳилдиган маҳкум. Ўзига ҳаддан ташқари оро беради, оёқ кийими, машинаси, уйи, кийимининг қандай қуриниши устида тинмай ташвиш чекади. Уни юрт ободлиги, халқ фаровонлиги, мактаб, касалхона маммуллари эмас, энг аввало, ундаги кир ювиш машинаси, автомобили, озона-

торининг яхши ишлаши қизиқтиради. У ўз халқи, маҳалласи, қамқашлоқларининг урф-одатлари тўғрисида жўли хикоя қилиб бера олмайди. Аммо у сизга фарб дунёсида кечаётган турмуш тарзини барча икчи-қирларига қойил-мақом қилиб айтиб беради. Унинг учун ҳатто ўша ердаги оммавий йиғилишларда одамларнинг қил-яланғоч қатнашиши, бир жинсли оилаларнинг қонунийлаштирилиши ва бошқа уятсиз ҳолатлар инсон эркинлигининг тимсоли ҳисобланади...»

Фарбча ҳаёт тарғиботчилари ўз ёшлари европанинг механиклашган ҳаётиндан беэиз, скульптурада — африка примитивизмидан, мусикада — жазадан, ақлий камолотда — упанишад, даосизм, эътиқодда — исломий қадриятлар ва буддавий қарашлардан, жисмоний камолотда — ҳинд йога санъатидан, нафосатда — япон боғларини яратишдан лаззатланаётган бир пайтда бошқа халқлар ёшларининг фарбийлашувини истайдилар. Балки улар нафий тушуналган ортидан қувиб ўзлари тушиб бораётган маънавий инқироз чоғига миллий қўнақини, маънавий-ахлоқий қадриятларини кўз қорачиқдек асрашга уринаётган бизларни ҳам оёғимиздан тортиб туширишмоқчи бўлганми?

Муस्ताқиллик, бу — қачонлардир йўқотиб қўйиб, армонларга юриб, кейин қайта қўлга қиртилган неъмат. Яна ўша савол: бу неъматнинг қадрини тушуна олдикми? Бу лазиз неъматни ҳимоялаш, Ватанини асраш учун мен, Сиз, бизлар нима қилдигу нима қиларми? Умуман, Ватан учун нима қилдикми?!

Жиддийроқ ўйлайлик: ганимлар нега бунчалар безовта? Нега туллари укламай, бизга эгалик қилишнинг юзлаб режаларини тузишяпти? Чунки улар биздан, бизнинг юксалишимиздан чўчиляпти. Қўрқиб, олдин мушт кўтаришяпти. Уларни нима қўрқатапти?

Улар ҳам XXI аср — фан ва технологиялар асри эканлигини жуда яхши билишяпти. Бизнинг бугунги кунини ҳам эмас, эртани ҳам, ундан кейинги ҳам ўйлаётганимиз, лицей, мактаблар учун мисли қўрилмаган маблағлар жалб этиб, ёшларимизни қанотлантираётганимиз қўрқатапти уларни.

Болаларимизни давлат бепул ўқатапти. Эртага эр етган, буй етган ўғил-қизларимиз ҳаётда ўз ўрнини топсин, қийналмасин деб юзлаб касб-ҳунар коллежларини, иқтидорлиларига лицейларини қураёпти. Бунинг учун ҳар йили давлат бюджетининг жуда катта қисми йўналтириляпти. Агар давлат эртани эмас, бугунни ўйлаганда, шу лицей, коллеж ва мактабларга кетаётган триллионлаб сўмларни одамларга бўлиб берганида, биз муस्ताқиллик тўғрисида энг шимариб қураётган-

нимиз — Буюк келажагимизни йўқотган бўлмасдикми? Кўча-қўйда баъзида: «Стипендия камроқ-да, яна қўшилсаиди» деган гапларни эшитиб қоламиз. Бефарқ «ҳим» деб қўй қоламиз. Ривожланган хорижий давлатларнинг вакиллари хайрон: «Ғалати-й, бизда ҳамма катори алочи талаба ҳам билим олиш учун қатта пул тўлаши керак. Ўзбекистонда — ўқигани учун талабага давлат пул (стипендия) тўларкан...» Нега буларни баралла гапирмаймиз? Чунки ижтимоий ҳимоянинг бу тури ҳам биз учун оддий меъёрга айланиб қолган-да. Холбуки, шу меъёрни сақлаш давлатга қанчага тушаётганини ўйлаб ҳам ўтирмаймиз.

...Ўзбек — меҳнатқаш халқ. Буни ҳам ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин бугун фақат куч, чайир билан қилган нарсага эришиб бўлмаслиги ҳам бор гап. Меҳнатқаш билан қилган ақли, тадбиркор бош апри билан ишлатиш лозим. Ахир ҳаёт фақат ер чоппи, пул топишдан иборат эмас-да. Бош ҳам ишлаши керак. Елкамиздаги бош ўз динимиз, ўзлимизни аниқлаш, ҳимоя қилишимиз учун ҳам ишлаши лозим ва шарт!

Бу борада қилган ишларимиздан халқ қиладиган ишларимиз кўпроқ. Шулардан муҳими — Болаларимиз диди, қарашлари, маъқураси, тартиб-тарбияси билан боғлиқ юмушлардир. Қўриниши туспа-тузоқ айрим йиғит-қизларимиз бировларнинг қўлида қўриқиб бўлиб қолаётгани юракка оғир ботади. Юқориди таъкидланганидек, бунинг сабаби — биз уларни миллий қилиб тарбиялай олмаганимиз. Биз қаерда, қайси соҳада миллийликка эътиборни сусайтирсак, ҳудудда ўша жойда бировларга тақлид, эргашиб (ғояда ҳам) рўй бераёпти. Ва аксинча, миллийлик ва муस्ताқилликка таъинган жой, соҳаларда эришган ютуқларимизга олам тан бериши бошлади.

Ҳўш, бу гаплар нега айтимлоқда? Йўқ нарсага йўллар деб чиқиб, тарғиб қилиш мақсадида эмас, албатта. Бизда азалдан бўлган, биз мустамлакка йилларида сўндирилган қувватларни қорлаш бўлар. Ўзбеклар азалдан бир-бирини қўллаб-қувватлаб, бирининг юкига ёнидагилар елка тугиб қелган. Ана шунинг учун ҳам ўзбек маҳалласини, унинг азалий анъаналарини тиклаямиз.

Ўзбек душман юртга кирса, бир муштанан уриб, сўндириб, маҳалладоши, қилқоқдоши қийнаса, биттадан дон бириб тўйдириб, қўзининг ёшини артиб қўйиб яшаган миллат. Бу анъана миллий тарбияланган авлодларда ҳозир — XXI асрда ҳам, шўқр-ки, сақланган. Иншооллоҳ, келажақда ҳам муस्ताқил миллатнинг танлаган тутуми, хайрли иши шу бўлажак!

Обод АББОСХҲУЖАЕВ.



Оролим менинг, рим менинг

бир неча ўн чақирим юргач, бизни яшилликка бурканган гўзал водий қарши олди. Бу — Судочье кўли эди.

Судочье — ҳаёт бардавомлиги

Мазкур кўл Оролбўйи минтақасидаги энг катта сувли ҳавза бўлиб, бундан етти-саккиз йил муқаддам унинг сатхи 50 минг гектарни ташкил этарди. Орол кўриб бошлагач, мазкур минтақада пайдо бўлган улкан кўл 2000-2001 йиллар оралиғидаги қургочлик сабаб қуриб бошлади ва бор-йўғи 600 гектар майдонгагина сақланиб қолди. Бу ҳол минтақадаги ўсимликлар фаунаси ва флорасига, биоиклимга, энг асосийси, инсоний саломатлигига ҳам таъвож қила бошлади. Сувсизликдан ҳайвонлар, бақилар, парранда дарахлари аёвсиз қирилиб кетди.

Шундан сўнг мазкур ҳудудда кўлни аввалги ҳолатига қайтариш ва бу билан табиати, одамлар саломатлигини асраб қолиш сари ҳаракат бошланди.

Орол ҳавзасини экологик барқарорлаштириш Давлат дастури, "Амударё дельтасида кичик кўллари ташкил қилиш" борасидаги лойиҳа энг қадим сари ташланган эди қадим бўлди. Лойиҳага асосан бу ерда Оққум сув ўтказгичи қурилиши бошланди. Бу Амударёдан келатган сув ва оқова сувлари Судочье кўлига йиғиш имконини берарди. Кўлнинг қайта тикланиши экологик вазиятнинг барқарорлашишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қайта ривожланишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Лойиҳа иккинчи йиллик ўз самарасини кўрсатди. Бугунга келиб Судочьенинг умумий майдони 40 минг гектарни ташкил этди. Ҳозир кўлда бақилар тортиб сув ҳайвонларига сунъий равишда қўйилмоқда.

— Яна бир эътиборли томони — йилда икки марта жанубдан шимолга ёқуд шимолдан жанубга учатган

қушлар мазкур кўлда тин оладилар, — дейди агентликнинг Нукус филиали директори У. Аширбеков. — Улар орасида энг ноёб ҳисобланган пушти соқоқуш, чағалай, оққуш, қарқара, оққўтон, "Халқаро Қизил китоб"га кирган қўнғир соқоқуш, кичик бақлан, оқбаш савка, товус сингари қушларни учратиш мумкин.

Кўчиш жараёнида 55,5 мингдан зиёд қуш Судочьега кўниб ўтади. Уларнинг қарийб 49 мингтаси сувда сузучи қушлардир. Кўлнинг аста-секинлик билан бўлса, аввалги ҳолатига қайтарилаётгани минтақада чорвачилик, бақичилик ва бошқа бир қатор соҳаларни ривожлантириш имконини беради.

Судочье кўлидан узоклашар эканмиз, бир-бири билан қувлашмақоч ўйнаётган янглик кўкка қанот қоққан чағалайлар, сув юзида сарайтган бақиларни кўриб СУДОЧЬЕ ва бу ердаги ҲАЕТ бардавомлигини кўнглимиз таскин топди.

Кўллар муҳофазата


Она Орол сатхи йилдан-йилга кичрайиб бораёпти. Бу — ҳақиқат. Айни пайтда Орол денгизи ўз худудининг тўртдан уч қисмини йўқотишга улгурган. Унинг ҳавзаси атрофида 5 миллион гектарлик заиёд қумликлар пайдо бўлган. Ана шу қум, тўз ва турли чўкиндиларнинг шамол таъсирида ҳавога кўтарилиб, унум-

дор ерларга кўчиши, бу ўз навбатида инсон саломатлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг инкирозига сабаб бўлиши хавфи кундан кунга ортиб бораёпти. Шўр ва турли захарли чўкиндилар, аввало, унумдор ерларга, ҳатто мевов сабзавотларга ҳам таъсир қилар, захарлар экан. Бу эса ўз навбатида инсон саломатлигига путур етказди. Айнан ана шу даврда "Амударё дельтасида кичик кўллари ташкил қилиш" тўғрисидаги лойиҳа кўнглиларга нур олиб кирди. Орол чекиниши сабаб, денгиз ҳавзаси ўрнида пайдо бўлган кўллар муҳофазаси бошланди. Оққум дельтасида сўнгги беш йилликнинг соҳадаги энг йирик иншоотларидан бири бўлиб дунёга келди. Тўрт йил давом этган лойиҳа ижроси ўз амалий самарасини берди. Амударё дельтасида ўн битта турли катталидаги кўллarning олтитаси қайта тикланди. Бу эса, минтақа иклими мувоzanатининг мўтадиллашуви, минтақада чорвачилик, мўйначилик, бақичилик ва бошқа соҳаларнинг ривож топишига имкон яратди.

Ушбу минтақада барпо этилган Междуречье сув омбори, Рибачье кўлиги, Жилтирбас кўрпази... Буларнинг барчаси Оролбўйи минтақасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари натижасидир.

Маъжуда ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

(Давоми бор)



Утган ойнанинг биринчи ўн кунлигида "Халқаро Оролни қўқариш жамғармаси" GEF агентлиги ташаббуси билан журналистлар учун Орол минтақаси бўйлаб экспедиция уюштирилди. Ундан асосий мақсад — Орол ҳавзасининг бугунги аҳоли, ҳудудда олиб борилаётган амалий ишлар, истиқболдаги режалар, минтақа биохилмаҳиллиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлашга, энг асосийси, инсон муҳофазасига қаратилган бир қатор лойиҳалар ижроси билан журналистларни таништириш эди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Муса Ернизов журналистларни қабул қилар экан, Орол минтақасида экологик муаммоларни бартараф этиш борасидаги Давлат дастурининг бажарилишига алоҳида ургу берди.

Бугунги кунда Орол денгизининг қуриб бориши ва унинг салбий оқибатлари нафақат республикамиз, балки Марказий Осиё минтақасининг глобал экологик муаммосига айланаб улгурган. Оролнинг қуриган ҳудудларидан ҳар йили 75 миллион тонна қум ва тўз сахро шамоли таъсирида ҳавога кўтарилади. Бу эса ўз навбатида инсон саломатлигига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсирини кўрсатмоқда. Сўнгги пайтларда хориж матбуотида Орол муаммосига бағишланган бир қатор хабар ва мақолалар чоп этилаётгани, буларнинг ҳаммасини ҳақиқатга яқин деб бўлмайди. Айрим хорижлик ҳамкасбларимиз Орол минтақасини кўрмай, экологик таназзулнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар билан танишмай, ўзларича хулоса чиқараяптилар. Тўғри, Орол қуриётгани ҳақиқат. Бироқ бу минтақада умуман яшашнинг имкони йўқ, дегани эмаску! Негаки, одамлар ишлашяпти, яшашяпти, яхши яшаш учун ҳаракат қилишяпти.

бу ерда юриш амри-маҳол. Қиш совуқ бўлади. Уст Юрт ўзбекистонимизнинг шимол хисобланади-да!

Унқир-чўнқир доvon бўйлаб нақд еттига "УАЗИК" гўё ўрмалаб бораётгандек. Остида қум барханлари ястаниб ётган сакзовулорлардан кетаяптими, "экспедиция" ҳақида кўрган киноларим ҳаёлимдан бир-бир ўтади.

... Бийдак чўлда сувсиз, егуликсиз қолиб кетган тадиқотчилар... Холдан тойган бўлса-да, олдинга ва фақат олдинга интилган кишилар. Мен Орол бўйида ҳам ана шу манзарага дуч келаман деб ўйлагандим. Бундай бўлмади. Уст Юрт тепалигидан тушганимиздан сўнг

Мен Уст Юрт ҳақида кўп эшитгандим. Бироқ у заминимиздан бир неча ўн метр баландликда иборат жуда катта майдонни ташкил этиши ҳақида ўйламаган эканман. Денгиз сатҳидан 135-250 метр баландликдаги ушбу текислик не-не сирсиноатларни ўзида яшириб келаётган экан.

Анави тик тушган қоялар чинк дейилди, бу қорақалпоқчада "тепалик чети" дегани, — тушунтиради шофёримиз Азиз оға. — Бу поёнсиз текислик ердан анча юқори бўлгани учун ҳам Уст Юрт, яъни юртнинг усти деб аталади. Қишнинг қишли-кировли кунларида

«Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги» томонидан «Рашан» хиссадорлик жамиятига қарашли автомобилларга берилган қуйидаги: АТ № 0314687, АТ № 0314728, АТ № 0316044, АТ № 0333868, АТ № 0314660 ва АТ № 0316049 лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 11-03-05/1262-сонли иш бўйича 2004 йил 30 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан Оҳангарон шахрида жойлашган «Сантехкуйма» очик хиссадорлик жамияти банкрот деб эътироф этилди.

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддатда қабул қилинади. Манзил: Тошкент вилояти, Оҳангарон шахри, Саноат зонаси. Телефон: (8-264) 5-22-08. Факс 5-41-31.

«ВОЛГА» автомобиллари «ГАЗЕЛЬ» сотилади

«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шахридаги омбордан ГАЗ-31105, ГАЗ-3102, ВАЗ-2107 автомобиллари ва «Газель» русумидаги юк машинасини тақлиф этади.

Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.

191-03-80, 191-10-43.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

LG **№1 В МИРЕ**

Кондиционеры

JET COOL GOLD

Адрес: г. Ташкент, ул. Кушбеги, 18. Тел./факс: 115 2280, 50 0419, моб.: 186 2151, 128 1738

CENTRAL AZIAN REPUBLICS LOCAL GOVERNMENT INITIATIVE
«МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» ДАСТУРИ
URBAN INSTITUTE TASHKENT/УРБАН ИНСТИТУТ ТОШКЕНТ

«ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЭНГ ЯХШИ ЁРИТИШ» ТАНЛОВИ ҲАҚИДА ЭСЛАТМА

Урбан Институт/Тошкент АҚШнинг Халқаро ривожланиш бўйича агентлиги (USAID)нинг «Марказий Осиёда маҳаллий бошқаришни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида оммавий ахборот воситаларида уй-жой эгаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда Ўзбекистонда уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини энг яхши ёритиш бўйича танлов ўтказилди.

Танлов шартлари

Қатнашчилар танловга муаллифлик туркум мақолаларини тақдим этишлари лозим (қамида 3 та).

Оммавий ахборот воситалари учун Урбан Институт/Тошкент лойиҳалари доирасидаги грантлар бўйича бажарилган ишлар танловга қабул қилинмади.

Танлов материаллари 2004 йилнинг 1 январидан 23 августгача матбуотда чоп этилган, интернет тизимида ёритилган, телевидение ва радио орқали эфирга узатилган бўлиши керак.

Мақола, телекўрсатув ва радиодушунтиришларнинг ҳажми ва жанри чегараланмайди.

Ҳар бир танлов материали:

- кўпхондонли уларнинг умумий мулкларидан фойдаланиш масалаларида уй-жой эгаларининг ҳуқуқ ва бурчлари бўйича уларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширишга ёрдам бериши;
- уй-жой мулкдорлари ширкатларида демократик бошқариш госясини қўллаб-қувватлаши ва ривожлантириши;
- уй-жой мулкдорларининг ширкат фаолиятида фаол иштирок этишларига ёрдам бериши лозим.

Ҳолибларни аниқлаш мезонлари

Қуйидаги материалларга афзаллик берилади:

- ахборот ва маълумотларга бой бўлган ва конструктив характери билан ажралиб турадиган;
- уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятлари масалаларини ҳуқуқий позициядан ёритган;
- хондонлар эгалари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари учун амалий фойда берадиган;
- маҳорат билан ва чуқур ёритилган журналистик ишга, антикий баён этилган материалга;
- ўқувчилар/томошабинларда қизиқиш уйғотган.

Танлов материалларида қўшимча қуйидагилар бўлиши лозим:

- танловга тақдим этилган материалларнинг қисқача тавсифи;
- газетанинг адади, телевизион ва радио дастурларнинг рейтингини, веб-сайтдан неча марта фойдаланилганлиги ҳақида маълумот;
- муаллиф ҳақида қисқача маълумот;
- мазкур ишларга бўлган қизиқиш ҳақида маълумот.

Танловга материаллар 2004 йил 24 августта қадар қабул қилинади.

Танлов комиссияси 2004 йил 10 сентябрдан кечикмай яқин асади.

Танлов ғолиблари учун қимматбахш совринлар таъсис этилади.

Танлов материаллари: мақолалар (асл нусхаси ёки ксерокопсини), телекўрсатувлар, радиодушунтиришлар (видео ва аудио йузлар)ни Урбан Институт/Тошкентга қуйидаги мазоли бўйича юбориш лозим: 700015, Тошкент ш. Афросиёб шоҳқўчаси, 12-й, 5-блок, 3/1-оғис. Телефонлар: 152-76-77, 152-76-78, 152-77-02. Факс: 152-76-78. Электрон почта: Figaev@ui.uz

Vinlad **Халқимизни осойишта қиламиз!**

КўРИҚЛАШ ВА ЁНГИН

ХАВФСИЗЛИГИ СИГНАЛИЗАЦИЯ УСКУНАЛАРИ

КўРИҚЛАШ УСКУНАЛАРИ

- Назорат панеллари 43160 сўмдан бошлаб
- Пассив-инфрақизил детекторлар 4400 сўмдан бошлаб
- Ойна синиши детекторлари 4210 сўмдан бошлаб
- Кўш технологияли детекторлар 11000 сўмдан бошлаб

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ УСКУНАЛАРИ

- Назорат панеллари 14000 сўмдан бошлаб
- Иссиқлик детекторлари 15921 сўмдан бошлаб
- Тугун детекторлари 81100 сўмдан бошлаб

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

Параметрни кўриқлаш тизимлари, телекузатув, кириш йўли назорати, кўриқлаш ва ёнгин хавфсизлиги ускуналари, аудио ва видеодемониторлар, UPS, металл детекторлари ва бошқа ускуналар.

Манзил: Тошкент шахри, Кушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13. Тел./факс: (998 71) 120-66-01. e-mail: vinlad@sarkor.uz; vinlad@vinlad.com www.vinlad.com

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР

Micros

САС

Биз Бутун Жаҳонни Улчаймиз

ХАР ҚАНДАЙ КўРИНИШДАГИ ЭЛЕКТРОН ТАРОЗИЛАР

САВДО УЧУН ЕРГА ўРНАТИЛАДИГАН КРАНЛАР УЧУН ЛАБОРАТОРИЯ УЧУН МАХСУС ПЛАТФОРМАЛИ ОМБОРХОНА УЧУН АВТОБИЛЬ ВА ТЕМИРЙЎЛ ТАРОЗИСИ

e-mail: scales@ucd.uz web-site: www.ucd.uz

700060, Тошкент, С. Азимов кўч, 72а. Мозароунакхр кўч, 19. Тел.: (371) 133-85-77, 120-68-01, 132-06-61; факс: (371) 132-06-85. Тел.: (371) 133-53-79

«АЛСКОМ» Ўзбекистон — Россия қўшма суғурта компанияси жамоаси Амалий суғурта департаменти директори Нейматжон Акбаровга онаси ЗЕБО янинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль-йўллари институти жамоаси «Автомостраль» иқтисодлашган йўл таъмирлаш-қуриш бирлашмаси бошқаруви раиси Рашид Юнусовга фарзанди, I курс магистранти **Бобиржон ЮНУСОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқишлоқхўжаликмашизинг» акциядорлик лизинг компанияси жамоаси Фарғона вилояти филиали директори Қобилжон Матқолиқовга волидан муҳтарамаси **ТўТИХОН** ҳожи онанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи **Народное слово**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, У. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатда олинган. Бюджет рақами — 998-22129 нумрада босилган, ҳақми — 2 тўбук. Сўфет усулида босилган. Кўчи бичими А-2. Газета IBM компьютерлар тармаги ва операторлар Жамшед Тоғоев ва Ваҳид Файёев томонидан саҳифаланди. Таҳриратда ҳақми 5 қондан зиёд материаллар қабул қилинмайди. П-Тижорат материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орплов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — С. Анвар. Мусавҳах — Ш. Маппабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ҲА яқуни — 21.45 Топширилди — 1 2 3 4 5